

УЎК: 330:001

<https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2019-6-3>

ЎЗБЕКИСТОН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРИДА ИНФРАТУЗИЛМАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Воҳидова Мехри Ҳасановна

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда фаолият юритаётган эркин иқтисодий ҳудудларда (ЭИХ) ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилманинг ҳолати «Ангрен» ЭИХ мисолида тадқиқ қилинган. Россия, Жанубий Корея ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари эркин иқтисодий ҳудудларида инфратузилманинг ривожланиш ҳолати Ўзбекистон эркин иқтисодий ҳудудларидаги ҳолат билан қиёсий таҳлил қилинган. Ўзбекистон ЭИХларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, ЭИХларни ташиқил этишида гегемонияга йўл қўймаган ҳолда инфратузилмани такомиллаштириш имкониятлари; «Ангрен» ЭИХда банк-молия инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ташиқил иқтисодий фаолият миллий банки томонидан экспорт кредитларини тақдим этиш ҳамда экспорт кредитларини сугурталашининг алоҳида механизмини ишлаб чиқиш зарурияти; «Ангрен» ЭИХ Маъмурий кенгашига инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, резидентлар учун ер ажратиш ҳуқуқини «Ягона дарча» тамойили асосида амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этиш ҳудуднинг инвестицион самарадорлигини ошириш илмий-амалий асосланган.

Таянч тушунчалар: эркин иқтисодий ҳудуд, «Ангрен» ЭИХ, транспорт инфратузилмаси, банк-молия инфратузилмаси, стандартлаштириш ва сертификатлаш, экспорт, эркин иқтисодий ҳудуд бюджети.

НАПРАВЛЕНИЯ УЛУЧШЕНИЯ ИНФРАСТРУКТУРЫ В СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОНАХ УЗБЕКИСТАНА

Воҳидова Мехри Ҳасановна

доктор философии по экономическим наукам (PhD),
преподаватель Ташкентского государственного института востоковедения

Аннотация. В данной статье рассматривается состояние производственной и социальной инфраструктуры СЭЗ Узбекистана на примере Ангренской свободной экономической зоны. Проведен сравнительный анализ развития инфраструктуры в свободных экономических зонах России, Южной Кореи, Объединенных Арабских Эмиратов (ОАЭ) и Узбекистана. Разработаны рекомендации по улучшению производственной и социальной инфраструктуры в свободных экономических зонах Узбекистана. Также научно-практически обоснованы возможности улучшения инфраструктуры СЭЗ, избегая гегемонии при их создании; необходимость разработки отдельного механизма страхования экспортных кредитов, в том числе Национального банка внешнеэкономической деятельности, для развития банковской и финансовой инфраструктуры в свободной экономической зоне «Ангрен»; предоставление Административному совету свободной экономической зоны «Ангрен» права на проведение экспертизы инвестиционных проектов и права на выделение земельных участков резидентам по принципу системы «Единое окно».

Ключевые слова: свободная экономическая зона, СЭЗ «Ангрен», транспортная инфраструктура, банковская и финансовая инфраструктура, стандартизация и сертификация, экспорт, бюджет свободной экономической зоны.

DIRECTIONS FOR THE IMPROVEMENT OF INFRASTRUCTURE IN FREE ECONOMIC ZONES OF UZBEKISTAN

Vokhidova Mehri Khasanovna

PhD in Economic Sciences

Lecturer, Tashkent State Institute of Oriental Studies

Abstract. *The article discusses the state of the production and social infrastructure of Free Economic Zones of Uzbekistan on the example of the Angren Free Economic Zone. A comparative analysis of the development of infrastructure in the Free Economic Zones of Russia, South Korea, the United Arab Emirates and Uzbekistan is carried out. Recommendations have been developed to improve the production and social infrastructure in Free Economic Zones of Uzbekistan. The opportunities to improve the infrastructure of Free Economic Zones; the need to develop a separate mechanism for export credit insurance, including the National Bank for Foreign Economic Affairs, for the development of banking and financial infrastructure in the Angren Free Economic Zone; granting the Governing Body of the Angren Free Economic Zone the right to conduct an examination of investment projects, and the right to allot land to residents on a Single Window system have been scientifically justified.*

Keywords: *Free Economic Zone, FEZ «Angren», transport infrastructure, banking and financial infrastructure, standardization and certification, export, Free Economic Zone budget.*

Қирини

Жаҳон ҳўжалигида мамлакатлар рақобатбардошлигининг муҳим омилларидан бири уларнинг ташқи муҳитга нисбатан очиқлиги, савдо-иқтисодий муносабатларда тўсиқларнинг мавжуд эмаслигидир.

XX асрнинг иккинчи ярми мамлакатларнинг очиқ ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишида прогрессив кўрсаткичлар бўлган давр сифатида характерланади. Ана шундай прогрессив кўрсаткичларда мамлакатлар томонидан фаол инвестицион муҳит, инновацион ривожланиш ҳамда тўсиқларсиз эркин савдони ўзида мужассамлаштирган эркин иқтисодий ҳудудлар муҳим ўрин эгаллайди.

2017 йил кўрсаткичларига мувофиқ, жаҳон ҳўжалигида 2000 дан ортиқ ЭИХлар фаолият юритиб, 841 таси Осиё, 634 таси Америка, 501 таси Европа, 145 таси Африка ва 10 таси Австралия қитъаларида жойлашган [1]. Ўзбекистонда ҳам уларнинг сони 21 тага етказилди. Бугунги кунда республика бўйича 10 та эркин ишлаб чиқариш ҳудуди, 8 та фармацевтика, 1 тадан туризм, балиқ ҳўжалиги ҳамда агросаноат соҳасини ривожлантириш йўналишидаги эркин иқтисодий ҳудудлар фаолият юритмоқда.

Аммо инвесторлар фикрига мувофиқ, мамлакатдаги ушбу ЭИХларнинг барчаси ҳам жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бермайди [2].

Жумладан:

– мамлакатимизда фаолият юритаётган ЭИХларда транспорт-логистика ҳамда молия инфратузилмасининг инвесторлар фикрига мувофиқ жаҳон стандартларига жавоб бермаслиги ва транспорт харажатларининг юқорилиги;

– ЭИХлар жойлашувининг ноқулайлиги, яъни «Жиззах», «Виждувон», «Ургут», «Ҳазорасп» ЭИХларининг саноатлашган ҳамда йирик шаҳарларга яқин масофада жойлашмаганлиги;

– солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларнинг ҳудудларда юқори қийматга эга эмаслиги;

– мамлакатимиз ЭИХларининг комплекс вазифани бажариши, уларнинг алоҳида тармоқ доирасида ихтисослашмаганлиги;

– ишлаб чиқариш инфратузилмаси кам ривожланган ҳудудларнинг ЭИХ сифатида ташкил этилиши;

– ЭИХлар бюджетининг давлат томонидан молиялаштирилиши, ЭИХлар бюджетини молиялаштиришда давлат-хусусий шериклигининг йўлга қўйилмаганлиги.

Ривожланган хорижий мамлакатлар таърибасига мувофиқ, ЭИХларни ташкил этишда ҳудуднинг транспорт ҳамда географик хусусияти муҳим аҳамиятга эга. ЭИХнинг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида иш-

лаб чиқариш инфратузилмаси тараққий этган ҳудудлар танлаб олинади.

Ўзбекистон тажрибасида эса ЭИХлар ташкил этилгандан сўнг улар билан биргаликда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ҳудуднинг транспорт салоҳияти ривожланиб боради. ЭИХларни ривожлантиришдаги бундай ёндашув вақт ва капитал сарфини ошириб, ЭИХнинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилади.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон ЭИХларнинг транспорт салоҳияти ва ҳудуддаги ишлаб чиқариш инфратузилмасини таҳлил қилиш долзарб бўлиб, таҳлил натижасида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг самарали усуллари татбиқ қилиш имконини беради.

Илмий-тадқиқот жараёнида юқоридаги муаммони кенг ўрганиш қуйидаги вазифаларни келтириб чиқаради:

- танланма кузатув асосида мамлакатдаги «Ангрен» ЭИХ мисолида Ўзбекистон ЭИХларини таҳлил қилиш;
- ЭИХнинг инвестицион жозибадорлигига тўсқинлик қилаётган омилларни ўрганиш;
- «Ангрен» ЭИХда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ҳолати ва муаммоларни кенг таҳлил қилиш.

Ушбу тадқиқотни олиб боришда индукция, дедукция, анализ ҳамда синтез, шунингдек, кузатув усулидан самарали фойдаланилди.

Тадқиқотда дала усулига мурожаат қилинди. Келтирилган маълумотларнинг аксарияти кузатув усули ёрдамида шакллантирилган. Жумладан, эркин иқтисодий ҳудуднинг тузилиши, дирекция фаолияти ҳамда ЭИХда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларнинг фаолияти тўғрисидаги хулосалар шулар жумласидандир.

Ўрганилганлик даражаси

Ўзбекистонда ЭИХларнинг назарий асослари кенг тадқиқ қилинган. Жумладан, З.Х. Каримова [3] томонидан ҳудудларнинг аҳамияти, эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ўрганилган. Аммо тадқиқотда Ўзбекистонда ЭИХлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича махсус йўналтирилган илмий хулосалар келтирилмаган.

Н.Э. Жиянова [4] томонидан Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларнинг таш-

кил этилишидаги асосий мақсадлар ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, эркин иқтисодий ҳудудларни жойлаштириш ва ривожлантириш таклифлари келтирилган.

Бироқ мамлакатда ЭИХларни ташкил этишнинг амалий тажрибаси яқин йиллардан шаклланиб келаётганлиги сабабли амалий-назарий илмий тадқиқотларнинг салмоғи кам. Шу сабабли ҳам ушбу мавзунини кенг ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Асосий қисм

«Ангрен» ЭИХнинг ҳудудий тузилишини ўрганиш жараёнида ҳудуд «Оҳангарон», «Ақча», «Ангрен-1», «Ангрен-2» блокларидан иборат эканлиги аниқланди. Хитой ёки Россия тажрибасига мувофиқ, ЭИХларни ташкил этишда гигантоманияга йўл қўйилмайди. Ҳудуди катта бўлмаган ЭИХлар ихтисослашуви ва керакли инфратузилма билан таъминланиш имконияти ошади. Масалан, текстиль корхоналарининг сув ва кам қувватли электроэнергияга эга ҳудудда, оғир саноат мажмуасининг юқори қувватли электроэнергияли, темир йўл станциясига яқин, шаҳардан четда, савдо ҳудудларининг шаҳар марказида бизнес қилиш имконияти мавжуд ҳудудларда жойлашуви афзал ҳисобланади.

Ҳудуддаги корхоналарнинг қурилиши, қувватланиши ва ишга тушиши жараёнининг узоқлиги. Масалан, «Барс» бренди остида шиналар ишлаб чиқарувчи «Биринчи» резина корхонасини оладиган бўлсак, ушбу корхона қурилиши 2011 йилдан бошланган бўлса ҳам, корхона расман 2017 йилда иш бошлаган ва 2018 йилдан маҳсулот ишлаб чиқарган. Корхона Хитой инвестиция иштирокида ташкил этилганлигига қарамасдан, ҳали-ҳануз экспортга йўналтирилмаган. Бунга асосий сабаб, корхона томонидан маркетинг тадқиқотларининг амалга оширилмаганлиги, корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган шиналарнинг халқаро стандартларга жавоб бермаслигидир.


Халқаро сертификатларнинг мавжудлиги маҳсулотларни экспортга йўналтиришдаги энг муҳим шартлардан бири саналади. Маҳсулот сифати қанчалик яхши бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни хавфсизлик қоидаларига жавоб бермасин, у халқаро стандартлар томонидан тан

олинмаган бўлса, рақобатбардош маҳсулот ҳисобланмайди.

Кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалардан яна бири ҳудудда экспертиза лаборатория ҳамда синов майдонларининг мавжуд эмаслиги. Бу ЭИХнинг аҳоли пунктида жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли пунктидан узоқроқда синов майдонлари бўлишини аниқлатади. Экспертиза лабораторияларининг ҳудудда фаолият юритиши ЭИХда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотларини тезкор лаборатория текширувларидан ўтказишни назарда тутади.

Шунингдек, ЭИХдаги ишлаб чиқариш корхоналарининг бир-бирига яқин ёки бир тизим доирасида жойлаштирилмаганлиги ҳам бир қатор қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Бир тармоқ доирасидаги корхоналарнинг бир-бирига яқин жойлашуви кластер асосида ишлаб чиқариш ривожланишига имкон беради. Масалан, шина ишлаб чиқарувчи корхонанинг автомобиль жиҳозлари ва асбоб-ускуналари билан битта ҳудудда жойлаштирилиши, шакар заводининг қандолат фабрикалари билан бир ҳудуддан ўрин олиши ва бошқалар. Шунингдек, Россия тажрибасига мувофиқ, бу усул экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг паст таннарх асосида рақобатбардошликка эришишига шароит яратади.

Ҳуқуқий асосларга мувофиқ [5], эркин иқтисодий ҳудудни шакллантириш босқичида кредитлар бериш ёки ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектларини



1-расм. Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий ҳудудларнинг бошқаруви*

*расм муаллиф ишланмаси

тўғридан-тўғри инвестициялаш тарзида республика бюджети ва маҳаллий бюджетдан маблағлар жалб этилиши мумкин.

ЭИХнинг бюджети Эркин иқтисодий ҳудуднинг Маъмурий кенгаши (бундан буён матнда Маъмурий кенгаш деб юритилади) фойдаланиши ва бошқарувида бўлган ер, бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан, хизматлар кўрсатишдан келадиган тушумлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилади.

Эркин иқтисодий ҳудудда хўжалик фаолиятини юритувчи юридик ва жисмоний шахслар дирекцияда рўйхатдан ўтади.

Қонунга мувофиқ, ЭИХнинг бюджети давлат, маҳаллий бюджет томонидан, шунингдек, ер, бино, иншоотларни ижарага бериш орқали шакллантирилади. Аммо бу бюджетнинг давлат-хусусий шериклиги асосида шакллантирилиши ҳам тақиқланмаган. ЭИХда давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилган лойиҳалар мавжуд эмас – бундай тизим йўлга қўйилмаган. Бу ҳолат ҳудудда молиявий инфратузилманинг йўлга қўйилмаганлиги, бошқарув жараёнининг мураккаблиги ҳамда давлат аралашувининг кучли эканлиги ва шу сабабли ҳам лойиҳаларни маҳаллийлаштириш хавфининг катталиги билан изоҳланади.

ЭИХдаги молиявий инфратузилманинг қониқарли эмаслигини ҳам тан олиш керак. Жумладан, экспорт кредитлари ҳамда уларни суғурталаш тизимининг нафақат ЭИХда, балки бутун мамлакатимизда йўлга қўйилмаганлиги, ЭИХларда инвестицион ҳамда венчур фондларининг фаолият олиб бормаслиги ҳам жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

Хорижий мамлакатлар экспорт-импорт банклари томонидан тақдим этилаётган экспорт кредитларининг юқори ва танлов ҳуқуқини бермайдиган шартлар орқали кириб келиши.

ЭИХлар иқтисодиётда венчур молиясини жалб қилиш мақсадида яратилган ҳудудлардир. ЭИХларга йўналтирилган энг биринчи венчур молияси давлат томонидан берилган инвестиция ҳисобланади. Яъни назарий асосларга мувофиқ, фақат венчур фондлари ва компаниялари томонидан эмас, балки инновацион жараёнларга йўналтирилган инвестициялар



2-расм. ЭИХда инвестицион лойиҳаларни резидент сифатида рўйхатдан ўтказиш босқичлари*

**расм муаллиф ишланмаси*

венчур молияси ҳисобланади. ЭИХда фаолият юритаётган корхоналарнинг маънавий эскирган ҳамда ривожланган хорижий мамлакатлар технологияларидан орқада эканлиги ушбу ҳудудда ҳам венчур молиясига эҳтиёж мавжудлигини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон ЭИХларидаги бошқарув иерархиясининг кўп босқичлилиги ҳам инвесторларни чўчитаётган муаммолардан биридир. 1-расмда кўрсатилган тизим ЭИХ маъмурий кенгашининг тўла мустақиллигини таъминламайди.

Россия тажрибасига мувофиқ, ЭИХни ташкил этиш ташаббуси маҳаллий ҳокимият томонидан тақдим этилади. ЭИХни молиялаштиришнинг 40-60 фоизи ҳам маҳаллий бюджетдан амалга оширилади. ЭИХ фақат маҳаллий ҳокимият қарорига бўйсунди.

Ўзбекистонда бундай мураккаб бошқарув иерархиясининг қўлланилиши жавобгарликнинг ҳам тақсимланиб кетишига олиб келган.

Худди шундай инвестицион лойиҳаларни ЭИХда рўйхатдан ўтказиш ҳам бир неча босқични ўз ичига олади.

Бундай тизим ҳам хорижий инвесторнинг ЭИХ резиденти бўлиш даврининг чўзилиши ҳамда қўшимча харажатлар ортиб кетишига сабаб бўлади.

Муаллиф томонидан олиб борилган кузатувларга мувофиқ, нафақат «Ангрен» ЭИХда, балки мамлакатимиздаги барча ЭИХларда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар етарли.

Уларнинг ечими пухта ўйланган босқичма-босқич амалга ошириладиган дастурда ўз ечимини топиши лозим.

1. «Ангрен» ЭИХнинг йирик майдонни эгаллаганини ҳисобга олган ҳолда, «Ангрен» ЭИХни 4 та бир-бирига алоқадор саноат ҳудудларига ажратиш кераклиги. Масалан, Ақча ҳудудида иссиқлик электростанцияси жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ҳудудда кўп энергия талаб қиладиган корхоналар, хусусан, оғир саноат корхоналарини жойлаштириш лозим. ЭИХнинг Оҳангарон ҳудудига автомобиль транспорти билан алоқадор бўлган корхоналар, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат корхоналарини жойлаштириш.

ЭИХни бундай қисмларга бўлиш ҳудудни бошқариш самарадорлигини ошириб, кластер асосида ривожланиш имконини беради.

2. ЭИХ дирекциясининг мустақиллигини ошириш. Инвестицион лойиҳаларни рўйхатдан ўтказишни «Ягона дарча» таъмоилии орқали амалга ошириш. Хусусан, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги экспертиза марказининг вазифаларини ЭИХ ҳузурида экспертиза маркази ташкил этиб, унга тақдим этиш. Бундай усул инвестицион лойиҳаларни ўртача 32 кунда эмас, балки узоғи билан 10 кунда расмийлаштириш имконини беради.

3. ЭИХда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш лабораторияларини ташкил этиш. Бундай лаборатория фаолияти «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда амалга оширилиб, истеъмол бозорига чиқарилаётган ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотларни сифат назоратидан қисқа вақт ичида ўтказиш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар

Муаллиф томонидан мамлакатда эркин иқтисодий ҳудудларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг қуйидаги тизими таклиф этилган:

– ЭИХ резидентларига ерларни ижарага бериш ҳуқуқини ЭИХ дирекциясига тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ҳудуд Маъмурий кенгаши бюджети ҳудуд ерларини ижарага бериш орқали ҳам даромад олиши келтирилган. Аммо ҳудуд ерларини ижарага бериш маҳаллий ҳокимият ор-

Ўзбекистон ЭИХларининг бошқа мамлакатлар ЭИХлари билан солиштирма таҳлили*

	Ўзбекистондаги ЭИХлар	БААларидаги ЭИХлар	Жанубий Корея-даги ЭИХлар	Россиядаги ЭИХлар
Ўзига хос жиҳати	ЭИХларнинг республика турли ҳудудларида жойлашганлиги	ЭИХларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши	халқаро аэропорт, порт, халқаро логистика маркази ҳамда аҳолининг яшаши ва камол топиши учун барча ижтимоий инфра-тузилма ривожлан-тирилган	федерал ҳамда маҳаллий бюджетларнинг ЭИХларни молиялаш-тиришда тақсимланган мажбуриятлари ва ЭИХларнинг юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашуви
Бошқарув тизими	мураккаб ва кўп бўғинли	давлат-хусусий шериклиги асосида		маҳаллий билан биргалик-да 2 бўғинли бошқарув тизими
ЭИХни ташкил қилиш жараёни	қонуности ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилиши	қонуности ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилиши	денгизга яқин ҳудудларнинг ЭИХ сифатида танланиши	аризаларга мувофиқ шакллантириладиган ҳудудларнинг танлов асосида сараланиши
Жозибадор-лигининг асосий омили	Марказий Осиё-нинг марказида жойлашганлиги	Форс кўрфазида жойлашганлиги ва йирик истеъмол бозори	транспорт-логистика тизимининг ривожланганлиги	инновацион ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги

*жадвал муаллиф ишланмаси

ганлари қарорига мувофиқ амалга оширилиши ЭИХнинг даромад олишига имконият яратиб бермаяпти. Даромадли ЭИХда инфратузилмани ривожлантириш учун молиявий имкониятга эга бўлади. Шу сабабли ҳам ЭИХга ўз ерларини ўзи тасарруф этиш ҳуқуқи берилиши лозим;

– «Ангрен» ЭИХнинг комплекс ҳудуд эканлигини инобатга олган ҳолда, ҳудудда савдо ҳамда консигнацион омборларни ташкил этиш.

БАА ҳамда Корея Республикаси ЭИХлари тажрибаларига мувофиқ, ЭИХга кириб келган товарлар 180 кун давомида бож ва солиқларсиз ЭИХда сақланиши мумкин. Товарлар ўзининг кимёвий таркиби ва кўрсатмаларига мувофиқ махсус омборларда сақланади. Бундай омборлар шартнома асосида товарни сақлаб бериш ёки улгуржи сотиш ҳуқуқи билан ижарага берилади.

«Ангрен» ЭИХнинг Қозоғистон ҳамда Хитойга борадиган транзит йўналишда жойлашганлигини инобатга олган ҳолда халқаро савдо муносабатларининг ривожланиш имконияти кенг;

– ЭИХларни ташкил этишнинг асосий мақсадларидан яна бири ҳудуд аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда ҳудуддаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдир.

Ҳудудда маданий ҳордиқ, таълим ва сифатли тиббий хизматларни кўрсатувчи муассасалар, хорижий фуқаролар ва инвесторлар учун барпо этилган меҳмонхоналарнинг фаолияти қониқарли даражада эмас.

Давлат томонидан ЭИХда замонавий хизматларни тақдим этувчи субъектлар учун имтиёзлар тизимини яратишнинг зарурияти талаб этилади. Масалан қуйидаги имтиёзларни қўллаш мақсадга мувофиқ: ягона солиқ тўловидан фаолиятининг илк 5 йилида озод этилиши, устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талабларнинг йўқлиги, А-373 автомагистрალი ёқасида ушбу турдаги субъектлар учун ер участкалари ажратиш;

– «Ангрен» ЭИХда банк-молия инфра-тузилмасини шакллантириш. Ҳудудда Ўзбек-



3-расм. Инвестицион лойиҳалар экспертизаси*

*расм муаллиф ишланмаси

инвест, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан экспорт кредитларини тақдим этиш ҳамда экспорт кредитларини суғурталашнинг алоҳида механизмини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасида экспорт ҳамда импорт кредитлари мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари томонидан тақдим этилса ҳам, ушбу кредитларни олиш ўртача 2-6 ой вақтни олади. Аммо энг мақбул томони – ушбу кредитларнинг 60 ойгача муддатли тўлов билан ажратилишидир.

Бундан ташқари, мамлакатимизда халқаро банklar ва хорижий мамлакатлар экспорт-импорт банклари томонидан ҳам экспорт кредитлари ажратилади. Жумладан, Хитой Экспорт-импорт банки томонидан ажратилган кредит линияси ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштиришда маблағнинг 50,0% дан кам бўлмаган қисми Хитойда ишлаб чиқарилган ускуналарга йўналтирилиши лозим. Шунингдек, кредит маблағлари ажратилган валютада

қайтарилади. Хитой Экспорт-импорт банки томонидан кредитлар 5 йилга ажратилиб, йиллик фоиз ставкаси 4,0% ни ташкил этади. Мамлакатимиз банклари томонидан ажратилган экспорт-импорт кредитлари 10-20 фоизли ставка асосида берилади. Хитой Экспорт-импорт банки кредит линиясидаги камчиликлардан бири комиссия тўловининг йиллик ўртача 10–12 фоизни ташкил этиши ҳисобланади. [7]

Юқоридаги кузатув ва тадқиқотларга мувофиқ, бирор-бир мамлакатнинг ЭИХларидаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тажрибасини мамлакатимизда тўғридан-тўғри татбиқ қилиб бўлмайди.

ЭИХларнинг жойлашган жойи ва давлат аралашувининг юқорилиги мамлакатдаги ЭИХларнинг ўз географик ва молиявий салоҳиятини тўлиқ намоён этмаслигига сабаб бўляпти. Шундан келиб чиққан ҳолда, Россия тажрибасига асосланиб, ЭИХларни ташкил этиш учун танлов эълон қилиш, ЭИХларни

ташқил этишда шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан тақдим этиладиган аризалар ва бизнес-режага мувофиқ энг мақбул ҳудудни танлаб олиш зарур. Танлов асосида ЭИХнинг ташқил этилиши маҳаллий ҳокимиятларнинг ЭИХлар олдидаги мажбурият ва масъулиятининг ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Муаллиф ёндашувига мувофиқ, мамлакатнинг жозибador жойлашуви ҳамда ривожланиш имкониятларини инобатга олган ҳолда қуйидагиларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

– «Ангрен» ЭИХнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида эркин иқтисодий ҳудудни 4 та кичик саноат ҳудудларига ажратиш тавсия этилади. Бундай кичик саноат гуруҳларининг шаклланиши ва ривожланиши ихтисослашув ҳамда кластер усули асосида кооперациянинг ривожланишига, алоҳида тармоқларга алоқador инфратузилманинг шаклланишига имкон яратади;

– «Ангрен» ЭИХда банк-молия инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекинвест, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан экспорт кредитларини тақдим этиш ҳамда экспорт кредитларини суғурталашнинг алоҳида механизмининг ташқил этиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Ташқи

иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан «Ангрен» ЭИХ резидентлари учун махсус 6-7 фоизли экспорт-импорт кредит линияларини очиш, кредит маблағларидан белгиланган мамлакатга нисбатан мажбурий талабларнинг қўйилмаслиги билан характерли бўлиши лозим;

– «Ангрен» ЭИХда ижтимоий-маданий инфратузилмани ривожлантириш. Хорижий инвесторлар ва фуқароларни жалб этувчи муҳим хусусиятлардан бири ҳудудда яшаш ва камол топиш учун шароитларнинг етарли бўлиши ҳисбланади. Жумладан, театр, музей, меҳмонхона, ресторан, кўнгилочар манзилларнинг ҳудудда мавжуд бўлиши ЭИХ жозибadorлигини оширади;

– «Ангрен» ЭИХ Маъмурий кенгашига инвестицион лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш, резидентлар учун ер ажратишни «Ягона дарча» тамойили асосида амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этиш. Бундай тамойил асосида фаолият олиб бориш вақт ва харажат ҳажмини қисқартириши билан бирга, ЭИХнинг ўз ерларидан унумли ва самарали фойдаланиш имконини беради.

– «Ангрен» ЭИХнинг комплекс эркин иқтисодий ҳудуд эканлигини ҳисобга олган ҳолда ЭИХда консигнацион омборлар қуриш ва уларни ижарага беришни йўлга қўйиш лозим.

Манба ва адабиётлар

1. Погребняк Е. Ю. Эволюция и особенности СЭЗ (ОЭЗ) и ТОР в России и мире. Управление экономическими системами: электронный научный журнал. <https://cyberleninka.ru/article/n/evolyutsiya-i-osobennosti-sez-oez-i-tor-v-rossii-i-mire>
2. Выявлены проблемы в свободных экономических и малых промышленных зонах <http://uza.uz/ru/society/vyyavleny-problemy-v-svobodnykh-ekonomicheskikh-i-malykh-pro-22-06-2019>
3. Каримова З.Х., Хидиров А.И. Эркин иқтисодий ҳудудлар – иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. – № 4. – август, 2017 й.
4. Жиянова Н.Э., Таджибекова Д.Б. Развитие свободных экономических зон – решение социальных проблем в регионах Республики Узбекистан. «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. – № 5. – октябрь, 2017 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни www.lex.uz
6. Global Free Zones of the Year 2018 – Winners. www.fDiIntelligence.com October/November – 2018.
7. Qishloqqurilishbank расмий сайти. kiosk.qishloqqurilishbank.uz

Тақризчи:

Беркинов Б., иқтисодиёт фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети